



2014 йил «2» июн

№ 592 ч

**Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан  
2018 йилда намунавий лойиҳалар асосида 1 (бир) қаватли 2 сотиҳли  
3 хонали 6 та уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриши дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли, 2010 йил 17 июндаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1354-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 2925-контурдан 0,15 гектар ер майдонини намунавий лойиҳалар асосида 1 (бир) қаватли 2 сотиҳли 3 хонали 6 та уй-жой қуриш учун танлаш ва ажратиш борасида туман ҳокимининг доимий ишловчи ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2016 йил 5 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимининг доимий ишловчи ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2016 йил 5 июндаги Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2018 йилда намунавий лойиҳалар асосида 1 (бир) қаватли 2 сотиҳли 3 хонали 6 та уй-жой қуриш учун тузилган далолатномасини инobatга олиб, Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 2925-контурдан 0,15 гектар ер майдонини намунавий уй-жойлар қурилиши учун ажратилсин.
2. “Қишлоққурилишинвест” ИК МЧЖ Самарқанд филиали томонидан Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экологик экспертиза хулосасини олиш вазифаси топширилсин.
3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га қурилиш режалаштирилаётган намунавий уй-жойларнинг лойиҳа смета хужжатларини тайёрлашда кўмаклашиш вазифаси топширилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (Ф.Эргашев)га ажратилаётган ер майдонини Ўзбекистон Республикаси "Ер кодексининг 23-моддаси 5-бандига асосан эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳамда танланаётган ер майдонини йиллик ҳисоботда қайд этиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилини туман хокимининг ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими



Ф. Заиров